

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№42-43 (7019-7020)

1999 йил 18 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

Бугунги куннинг мавзуси - сайлов... Айниқса, илк бор ўз фуқаролигини дилдан ҳис қилиб овоз берувчи ёшлар ўзгача ҳаяжонда. Балқчиллик теңгдошларингизнинг ишлари ҳам: келажак учун овоз берамиз... Урмонбек миллий ҳунармандчилик лицейи директори, тадбиркор Шухратбек Садирдинов ўз талабаларини юрт учун ёниб меҳнат қилувчи номзодлар учун овоз беришларига ишонади. Чунки бу ўқув даргоҳида таълим-тарбия ҳам шуни тақозо қилади.

18 ёшдаман. Лицейнинг тарбиячилик гуруҳида ўқийман. Сайловда бу йил илк бор қатнашаман. Шунданми, жуда ҳаяжондаман? Лицейимизда сайлов олди тушунтириш ишлари кенг олиб борилмоқда. Матбуот ва ойнаи жаҳон орқали берилаётган сайлов ҳақидаги мавзудан шуни англаяпманки бу йилги сайлов ўзгача бўлади. Барча юрдошларимиз ўз фикридан оғишмай ҳақиқий юрт

фарзандларига овоз берадилар.

Умида  
МАҲМУДЖОН  
қизи, талаба.

Исмим Даврон. Хайдовчилик гуруҳи талабасиман. Тўғриси айтиш керак. Сайлов ҳақида

туйғусини жуда ёшлигидан уларнинг қалбига жойлай олишимиз керак», - деган ўтли сатр бор. Чиндан ҳам кўнгилдаги гап. Ишонаманки, бугун ёшлар ўзбек миллатининг ёруғ эртаси. Демак, улар ўзининг келажаги, эртаси учун

Мен ҳар бир фуқарони ҳақиқатни шиор қилиб ўз номзодларига овоз беришларини жуда хоҳлардим. Негаки депутатлик мавқеидан ўз манфаати, қариндош-уруғлари учун фойдаланиб халққа сохта назар билан

фикримизни исботлайди. Мен ёш муаллим сифатида ёшлар ҳаёти ва фаолиятига уларнинг янгидан-янги имкониятларига эга бўлишида ғамхўрлик қилаётган Фидокорлар миллий демократик партияси учун овоз бераман.

Муроджон  
БОЗОРОВ, «Ҳисобчи»,  
ғазначи гуруҳи  
муаллими.

## КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

гап очилгудек бўлса, ҳаммада ҳар хил фикр. Кимдир шижоатли, яна кимдир лоқайдроқ... Шижоатлиларнинг шижоатларига янада куч қўшилсин. Аммо лоқайдларга тўзим берсин. Биз ёшлар ХХI асрга ишонч билан кириб бораёпмиз, ишончсизлик эса ўзбек ёшларига ёт нарса.

Даврон ҲАСАНОВ,  
толиб.

Куни кеца «Фидокор» газетасида «Ўзбекистон - ёшлар давлати» номли мақолани ўқиб қолдим. Мақолада «Ҳозирда биз ёшларимизда бир миллатга мансублик ҳиссини ва бир мамлакат фуқаролиги

қайғурувчан, муносиб номзодга овоз берадилар.

Муаззам  
РАҲМАТОВА, талаба.

Авваллари сайлов кунларида оиланинг барча аъзолари учун битта вакил сайлов қогозларини тўлдириб келарди. Билмадим, ўша пайтларда тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган эдими ёки «хўжа кўрсинга» иш қилинармиди? Оиламизда беш киши сайлов ҳуқуқига эга. Бу йилги сайловда ҳар биримиз ўз ҳуқуқларимиздан фойдаланамиз.

Мирсаид  
ТУРСУНОВ, талаба.

боққанлар ҳақида ҳам кўп эшитганман. Бундай тоифали кимсалар депутат бўлиб сайланиб қолишидан худонинг ўзи асрасин.

Кенжаҳон  
ЮНУСОВА, талаба.

Сиёсий фаолиятини эндигина бошлаган ёш ўктам кадрлардан умидимиз катта. Чунки улар ҳеч қандай эски тузум қолипидан эмас. Янгича ҳур фикрга эга. Ҳур фикрли ёшлар эса юртни, халқни ўйлайди. Юртимизда ёшлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Фидокорлар партияси ташаббуслар билан ташкил топган «Ёшлар қаноти», «Фидокор ёш олимлар», «Эъзоз» ҳаракатлари ҳам

Кимки талаба ёшларни қийнаб келётган муаммо ва камчиликларни ўзини дардидек қабул қилиб, улар орасида жонли мулоқотларни йўлга қўйса, шунчаки қоп-қоп ваъдалар эмас, ушалгучи ваъдалар берса биз ёшлар ҳам ана шундай ишончли инсонларга ва сиёсий партияларга ишонч билдирамиз. Биз шунчаки гапларга, олди-қочди чўпчакларга энди ишонмаймиз. Чунки биз ёш бола эмасмиз. Мустақил юрт фарзандларини ўзи ҳам, сўзи ҳам кескир...

Ёқубжон МУМИНОВ,  
ёш муаллим.

Нилуфар  
ДАВИДОВА ёзиб олди.

## ҚАЧОН ОБУНА БЎЛАСИЗ?

Мактабларда ўқувчиларнинг ўз наشرларига обуна жараёни қизғин кетаётган паллада вилоят Халқ таълими бошқармалари билан телефон орқали боғландик.

-Вилоятимизда 501та мактаб бор. Уларда 229279 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади, - дедилар Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Гуландом Суҳронова. -Биз 2000йил учун ҳар бир синфга ҳеч бўлмаганда биттадан ўз газетасига обуна бўлишини таъминлаймиз. Ҳисоблаб чиқсак, вилоятимиз бўйича етти минг ўқувчи «Тонг юлдузи» газетасига ёзилар экан. Худо хоҳласа, ушбу мўлжалимизни албатта бажарамиз.

Андижон вилояти билан боғландик. Етакчи мутахассис Анвар Мамажоновнинг айтишларича, вилоятда шу кунгача 1813та обунани


бўлибди.

Демак, бир мактаб ўқувчиси ёзилибди-да. Ҳолбуки, сизларда 746та мактаб бор, десак: «Яна бир ҳафталик обунамизнинг

нафар ўқувчи таълим олади. Болалар ота-оналарига пахта теришда ёрдам берган эдилар. Ана шу пахта пулларидан ўз газеталарига обуна бўляптилар.

Худди шу кунги Матбуот тарқатиш маркази бош мутахассиси Диляра Файзиева билан ҳам телефон орқали боғландик ва вилоятлар бўйича 10 ноябргача бўлган маълумотни ёзиб олдик.

Қорақалпоғистон Республикаси - 9та  
Андижон вилояти - 387 та  
Бухоро вилояти - 421 та  
Жиззах вилояти - 52та  
Қашқадарё вилояти - 489 та  
Навоий вилояти - 12та  
Наманган вилояти - 1989 та  
Самарқанд вилояти - 656 та  
Сурхондарё вилояти - 423 та  
Сирдарё вилояти - 72та  
Тошкент вилояти - 129та  
Фарғона вилояти - 1504та



руйхати сешанба кунги келади», - дедилар. Ва тез орада обунани ўн мингга етказамиз, деб сўз ҳам бердилар. Ҳа, вақт олий ҳакам.

-Болалар ўз газеталарини қанча кўп ўқисалар, шунча яхши, - дедилар Навоий вилояти Халқ таълими бошқарма бошлиғи Қурбонали Эргашев.


-Вилоятимизда 375та мактаб бор. Уларда 186635

Хоразм вилояти - 51та  
Тошкент шаҳри - 107та  
Жами - 6301та  
Қизиқ, раҳбарлар ваъда беришяптими ёки бир вақтлардагидек қўшиб ёзишга ҳаракат қилишяптими?  
Зора, газетамизнинг ушбу сони вилоят бошқармаси бошлиқларига

етиб борса-ю обуна билан жиддий шуғулланишни бошлаб юборсалар. Чунки уларнинг ҳам, бизнинг ҳам мақсадимиз битта: ўқувчиларимиз маънавияти билан шуғулланиш. Газетхонликнинг эса бу борада ўрни беҳисобдир.

Феруза ОДИЛОВА.

«Тонг юлдузи»га  
обуна  
бўлдингизми?



Ўзбекистондек келажаги буюк бир юртда Сурхон воҳасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Сур-

Мен бир неча йил-дирки воҳамиз тарихи, ҳозирги кунда ижод қилаётган ижодкорлар

ри» бўлган кўнфирот уруғи ташкил қилади. Шу сабаб Алпомиш до-

нова - Қалдирғоч тимсолида гавдаланди. Фази-лат Рустамова кийган

Зулфия Зиеси

## ОЙБАРЧИНЛАР АВЛОДИДАНМИЗ

хон воҳасининг тарихи антик даврларга бориб тақалади. Ҳоким Ат Термизийлар, Имом Термизийлар, Дақиқийлар яшаган, Сўфи Оллоёр



бобомиз таёғини судраб ўтган. Ватанпарварликда Тўмарису Широқлардан қолишмайдиган кишилар яшаб ўтганлар.

билан танишиб бораман.

Қишлоғимизда ердан сув қайнаб чиқади-ган булоқлари кўп. Момоларимизнинг ривоят қилишларича қишлоғимизга руслар бостириб келишганда ҳур қизларимиз қочиб йўқ бўлиб кетишган экан. Шу-шу улар гойиб бўлган жойлардан булоқлар қайнаб чиққан экан. Шу жойни эскидан гойиб буви ва Мингбулоқ деб аташган экан. Мустақиллигимиз шарофати туфайли Мингбулоқ номи тикланиб, ҳозирги кунда Мингбулоқ маҳалласи бор.

Қишлоғимиз аҳолисининг кўпчилики қисмини «Алпомиш авлодла-

стонининг минг йиллик тантаналари нишонланаётган йилда Алпомиш ва Ойбарчинлар кийган либосларни, тақинчоқларни излаб топдик. Расмларга туширдик.

Воҳадош ижодкор Рухсатой Эшназарованинг мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Алпомиш ва Ойбарчин» сахна кўринишини Кўнфирот ўтовини тикиб, бўғжама, ойнахалта, қошиқловлар билан жиҳозлаб, миллий либослар кийиб, тақинчоқлар кийиб ўйнадик. Баҳриниса Алимова - Кунтуғмиш она, Матлуба Курбо-

либос кўпчиликка манзур бўлди. Уни момоларимиз мана шундай ёруғ кунлар келишини кутиб асрашган экан.

«Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, курашиш биз учун катта бахтдир», - дейди юртбошимиз И.А.Каримов «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида.

Яқин кунларда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз келажаги Ватан тақдири учун овоз бериш бахтига муяссар бўлган опа-акаларимга мустақиллигимиз берган



неъматларни эъзозлаб, муносиб номзодларга овоз беришларини солоҳдан сўраб қоламан.

Фазилят ТОҒАЕВА,  
Сурхондарё вилояти,  
Денов туманидаги 51-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

### БИР ЙИЛЛИКНИ БИР ҲАФТАДА

«Таътилни ким қандай ўтказди?», ана шу мавзуда иккинчи чоракнинг биринчи соатида суҳбат бўлиб ўтди. Устозимиз Наргиза опамлар биринчи бўлиб мендан сўради.

Ментаътилда ойимникига Гулистонга бордим. Ойимнинг уйлари анорзор. Анорлардан тўйиб-тўйиб едим. Ва битта қолдирмай тердим ҳам. Сўнгра адам билан анор дарахтини қишки совуқдан асраш учун уларни яхшилаб ўраб, ерга қўмдик.

Шу билан бирга китоб ўқишни ҳам унутганим йўқ. Ахбор Имомхўжаевнинг «Футбол- қувончим, дардим, фаҳрим» китобини ўқиб чиқдим. Китобни ўқиб, футболга оид кўп

қизиқ нарсаларни билиб олдим. Тенгдошларимга ҳам шу китобни ўқишларини маслаҳат берардим.

Синфдошим Дилмурод эса энкибод бўлди. Яхшилаб қарагани учун бир дона энкиси иккитага кўпайибди. Дилмуроднинг айтишича, ойиси энкини соғиб берибди, у эса мазза қилиб ичибди.

Ширин эса онасининг энг яқин ёрдамчиси бўлибди. Унга дарсликдаги ўқиш китобидан хоҳлаган саволингизни берсангиз, у бемалол жавоб бера олади. Чунки у ўқиш китобини таътил давомида ўқиб тутади.

Жамилаларнинг уйига чақалоқ меҳмон келибди. У чақалоққа қарашни ўрганибди.


Дилшода эса Самарқандга, ойисиникига борибди. Уй

йомушларида ойисига қарашибди. Самарқанднинг гўзал ёторлиқларини томошқилибди. Барча синфдошларимиз Дилшодага ҳавасимиз келди. Чунки у ота-боболаримиз ўпан жойларни зиёрат қилиб келган экан-да.

Бизларнинг гапларимизни эшитиб, устозимиз Наргиза опамлар жуда хурсанд бўлдилар ва таътилни барчангиз яхши ўтказибсиз, дедилар. Янги чоракни фақат аъло баҳолар билан тутатасизларда энди, деб қўшиб қўйдилар. Биз ҳам устозимизнинг юзларини ерга қарамайсиз.

Искандар ОДИЛОВ,  
Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 206-мактабнинг 4-синф ўқувчиси.

### ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!



### 2000 ЙИЛ КИТОБЛАРИ

Сиз шу пайтacha газета ва журналларга обуна бўлиб ўргангасиз. Аммо китоб учун обуна бўлмагасиз, тўғрими? Лотин алифбосидаги китобларни кўплаб чоп этаётган «Шарқ» нашриёт матбаа концерни 2000 йил учун уч туркумдаги китобларга обуна эълон қилди. Китобга обуна бўлишнинг афзал тарафи шундаки, сиз китоб излаб туман ёки шаҳар марказига бориб юрмайсиз. Китобни хат ташувчининг ўзи уйингизга, мактабингизга келтириб беради. Фақат, обуна бўлсангиз бас.

Улар қанақа китоблар экан?

Биринчиси 12та китобдан иборат «Жаҳон халқ эртаклари» туркуми. Бу туркумга жаҳондаги энг сара эртаклар жам бўлган.

Иккинчи туркум «Ўзбек халқ эртаклари» бўлиб, «Зумрад ва Қиммат», «Ур тўқмоқ», «Чалпак ёққан кун» каби ажойиб-ғаройиб 12та китобдан иборат.

Учинчи туркумнинг номи «Боғчага-дўмбоқчага» бўлиб, бу туркумда боғча болалари,

бошланғич синф ўқувчилари учун бошқотирмалар, топишмоқлар, тез айтишлар, инглизча сўзлашув лугатлари, тестлар, йўл ҳаракати қоидалари, пойтахтимиз Тошкент ҳақидаги ҳикоялар ва бошқа қизиқarli мавзулар киририлган.

-Битта туркум, яъни 12та китобнинг баҳоси неча пул?

Почта ҳаражатларисиз 1092 сўм. - Нима учун 12та?

Ҳар ойда бир донадан нашр этиб боради.

Агарда учта туркумга обуна бўлсангиз, йил давомида 36та китобга эга бўласиз. Бу лотин алифбосидаги бутун бошли кутубхонадир. Бу китоблардан оила, синф кутубхоналари ташкил этиши мумкин. Вақтни бой бермай, китобларга обуна бўлишга шошилинг. Почта идораларида сизларни кутишмоқда. Китобларнинг обуна индекслари куйидагича: 10.000, 10.001, 10.002.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни «Бойчечак» номли болалар адабиёти муҳарририяси.

### Таътил қандай ўтди, болалик?

#### ИЛМ ЧЎҚҚИСИ САРИ

Яқиндагина бир ҳафталик таътилга чиққан эдик, қарабсизки, кўз очиб-юмгунча иккинчи чоракни ҳам бошлаб юборибмиз. Ўқиб кучли билим эгаси бўлишни хоҳлаган ўқувчи борки, бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади.

Хўш, мен таътилда нима қилдим? Тўғриси айтсам,

бир ҳафта давомида китоб ўқиш билан, чет тилини ўрганиш билан банд бўлдим. Ахир, айтишадик, ёшликда олган билим умрбод ёдда қолади, деб. Юртбошимиз: Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта бахтли бўлишлари керак, деганлар. Демак, ҳозирданоқ илмнинг улкан чўққиларига

интилмоғимиз керак. Мустақил диёримизнинг келажаги биз ёшлар қўлида. Шундай экан, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун аъло ўқишимиз, намунали ўқувчи бўлишимиз керак.

Барно  
АБДУРАҲМОНОВА,  
Собир Раҳимов туманидаги 23-мактаб ўқувчиси.

Диққат, конкурс: XXI аср фани бўйича

# “ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### 6 - ДАРС

#### МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

Ишлаб чиқариш корхоналарида амалга оширилади. Корхоналар ер, бино, асбоб-ускуна, дастгоҳлардан иборат асосий воситалар ва унда ишловчи одамлардан ташкил топади. Корхонанинг бир “дарвозасидан” хомашё, деб аталмиш неъматлар кириб келади. Корхонада уларга ишчилар асбоб-ускуна ва дастгоҳлар ёрдамида ишлов берадилар. Шундан сўнг, корхонанинг иккинчи “дарвозасидан” хомашё тайёр маҳсулот кўри-нишида чиқиб кетади.



Ҳар бир корхонанинг мақсади кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат бўлади. Маълумки, қанча кўп хомашё ишлатилса, шунча кўп маҳсулот олинади.

Шу билан бирга, маҳсулотнинг кўп ёки кам ишлаб чиқарилиши, дастгоҳлар ва уларда ишлаётган ишчиларнинг тез ёки секин ишлашига ҳам боғлиқ.

Ишчининг тез ёки секин ишлаётганлиги, унинг бир соатда ишлаб чиқарган маҳсулоти миқдориغا қараб аниқланади ва бу катталик ишчининг меҳнат унумдорлиги деб аталади.

Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини, сарфланган вақтга бўлиб топилади.

$$\text{Меҳнат унумдорлиги} = \frac{\text{Маҳсулот миқдори}}{\text{Сарфланган вақт}}$$

Фараз қилайлик, бир ишчи 8 соат давомида 320 дона маҳсулот ишлаб чиқарди. Иккинчи ишчи эса 6 соат давомида 270 дона худди ўша маҳсулотдан ишлаб чиқарди.

Қайси ишчининг ишлаш суръати, яъни меҳнат унумдорлиги юқори? Буни аниқлаш учун, ҳар бир ишчи ишлаб чиқарган маҳсулот миқдорини, бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфлаган вақтига бўламиз.

Натижада, биринчи ишчининг меҳнат унумдорлиги

$$320 \text{ дона} : 8 \text{ соат} = 40 \text{ дона,}$$

$$\text{иккинчи ишчининг меҳнат унумдорлиги эса}$$

$$270 \text{ дона} : 6 \text{ соат} = 45 \text{ дона}$$

эканлигини ҳосил қиламиз.

Иккинчи ишчи биринчи ишчига қараганда тезроқ, унумлироқ ишлаб, бир соатда ундан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарибди. Демак, унинг меҳнат унумдорлиги юқори экан.

Агар ҳар бир маҳсулотни яратиш жараёнида битта эмас, бир нечта ишчилар қатнашаётган бўлса, уларнинг меҳнат унумдорлиги қуйидагича, иккинчи қадамда топилади. Олдин ҳамма ишчиларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқаришга сарфлаган умумий вақти топилади. Сўнг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори шу умумий вақтга бўлинади.

1-қадам.

$$\frac{\text{Сарфланган умумий вақт}}{\text{Ишчилар сони}} = \text{Ҳар бир ишчи сарфлаган вақт}$$

2-қадам.

$$\frac{\text{Меҳнат унумдорлиги}}{\text{Маҳсулот миқдори}} = \text{Сарфланган умумий вақт}$$

Масалан, корхонада 20 та ишчи 8 соат давомида 3200 дона пиёла ишлаб чиқарган бўлсин. Ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини топиш учун, олдин уларнинг сарфлаган умумий вақтини топамиз:

$$\frac{\text{Сарфланган умумий вақт}}{\text{Ишчилар сони}} = \text{Ҳар бир ишчи сарфлаган вақт}$$

$$= 20 \cdot 8 = 160 \text{ соат.}$$

Сўнг эса юқоридаги қоидага кўра:

$$\frac{\text{Меҳнат унумдорлиги}}{\text{Маҳсулот миқдори}} = \text{Умумий сарфланган умумий вақт}$$

$$= 3200 : 160 = 20 \text{ дона пиёла эканлигини топамиз.}$$

Шундай қилиб, меҳнат унумдорлиги ишчи ёки корхонанинг яхши ёки ёмон ишлаётганини кўрсатувчи “тарози” экан.

Кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қандай асбоб-ускуна ёки дастгоҳлардан, техникадан фойдаланаётганлигига ва қандай усул - технологияга таяниб иш тутилаётганлигига ҳам боғлиқ.

Масалан, ерни икки хил техника ёрдамида омон ёки тракторда ҳайдаш мумкин. Албатта, ер замонавий техника - трактор билан ҳайдалса иш унумлироқ ва сифатлироқ бўлади.

Нонни икки хил технология ёрдамида тандирда пишириш мумкин. Биринчидан фойдаланиб, иккинчиси газдан фойдаланиб. Албатта, иккинчи технология ёрдамида иш тутилса, яъни нон газда пиширилса, иш тезроқ, сифатлироқ, унумлироқ бўлади. Шу билан бирга газдан нон пишириш ўзининг қўлайлиги, одамдан кам меҳнат талаб қилиши билан ҳам ажралиб туради.

Хуллас, фан ва техника тараққиёти натижасида эски техника ва технологиялар ўрнини уларга қараганда анча қўлай, унумли, замонавий бўлган янги техника ва технологиялар эгаллайверади.

### 6 - ТОПШИРИҚ

#### МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

1. Қуйида келтирилган қоидадаги бўш тўртбурчак ичига керакли сўзни ёзинг.

$$\boxed{\phantom{000}} = \frac{\boxed{\text{Маҳсулот миқдори}}}{\boxed{\text{Сарфланган вақт}}}$$

2. Сизнингча меҳнат унумдорлиги нималарга боғлиқ?

Жавоб:

3. Қуйидаги жумлаларга ўз муносабатларингизни билдириг.

Кераксиз жавобларни ўчиринг.

1. Меҳнат унумдорлиги камайганда, ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ўсадими? ☐ ҳа ☐ йўқ

2. Ҳеч қанақа товар ишлаб чиқармайдиган корхона борми? ☐ ҳа ☐ йўқ

3. Ҳеч қанақа хизмат кўрсатмайдиган корхона борми? ☐ ҳа ☐ йўқ

4. Меҳнат унумдорлигини ишчининг яхши ёки ёмон ишлаганини кўрсатувчи “тарози” десак, тўғри бўладими? ☐ ҳа ☐ йўқ

5. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулот шу корхонанинг ўзи учун хомашё бўлиши мумкинми? ☐ ҳа ☐ йўқ

4. Алишер 8 соатда 72 кг, Дилноза 6 соатда 60 кг пахта терди. Кимнинг меҳнат унумдорлиги юқори?

Жавоб:

5. а) Пахта теришнинг қандай технологияларини биласиз?

1.

2.

б) Бу технологияларни ўзаро солиштиринг

| №  | Технология номи | Ижобий томонлари | Салбий томонлари |
|----|-----------------|------------------|------------------|
| 1. |                 |                  |                  |
| 2. |                 |                  |                  |

в) Бу икки технологиянинг қайси биридан фойдаланган маъқул?

Жавоб:

6. Тикув фабрикасида 200 тикувчи ишлайди. Бир сменада (1 смена = 8 соат) 4800 дона кўйлак тикилади. Фабрика ишчиларининг меҳнат унумдорлигини топинг.

Ечиш:


Жавоб:

7. Турли соҳаларда ишлатиладиган эски ва янги техника номларини келтиринг.

| №  | Эскиси | Янгиси |
|----|--------|--------|
| 1. |        |        |
| 2. |        |        |
| 3. |        |        |
| 4. |        |        |
| 5. |        |        |

8. Қуйида келтирилган транспорт воситаларининг, яратилиш вақтига қараб тизиб кетмакет занжир тузинг.

От, велосипед, автомобиль, космик кема, арава, поезд, пароход, электромобиль, самолёт, вертолёт.



МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони,  
2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон: 139-49-32, 139-19-16.  
Факс: (371) 139-48-23.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурснинг 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариқов ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II йўналиш: Энг яхши бизнес режа лойиҳалари конкурси

III йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурснинг ўзагини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қилади. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсга оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материалларини ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўллашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартларини газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қийиб олиб тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс ғолибларини

телевизор,

магнитофон,

аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз. Кичик конкурс ғолиблари учун ҳам алоҳида маҳсул совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва изодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мададкор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари


## УРАГАН БИЛАН ҚУЮН ЎРТАСИДА НИМА ФАРҚ БОР?

Бўроннинг турлари кўп бўлса-да, улар бир хил йўсинда, яъни ҳавонинг бир жойдан иккинчи бир жойга тез суръатлар билан кўчиши натижасида ҳосил бўлади.

Ёмғир ёғиб, чақин чақиб, яшин турган вақтдаги бўрон момақалди-роқ деб ёки момақалди-роқ бўрони деб аталади. Агар шамол йўл-йўла-кай кўп миқдордаги чангни ҳавога кўтарса, бу чанг тўзони ёки бўрони деб аталади. Денгиздаги бўрон шторм (тўфон) деб аталади. Бўроннинг энг хавфли ва ҳалокатли турлари довул (ураган) ва қуюндир.

Довул тропик кенгликларидан бошланадиган бўрондир. Масалан, улар Шимолий Америкада, Мексика кўрфазидан содир бўлади, сўнгра қитъанинг шарқий қирғоғи бўйлаб ҳаракатланади. Худди шундай бўронлар Узоқ Шарқдаги соҳилларда ва Хитой денгизидан ҳам кўзгалади, бироқ улар тайфун деб аталади. Икки хил бўроннинг умумий номи тропик бўронидир.


Одатда, довул 150-600 км диамет-рли худудни қамраб олади. Довул турганда, шамолнинг тезлиги соати-га 120-200 км.гача етади. Довулнинг ўзига хос хусусияти довул кўзи деб аталадиган марказда сокин бир зона бўлади. Унинг диаметри 5-20 км.ни ташкил этади. Мабодо, одам шу зонага тушиб қолса, у довул



тўхтади, деб ўйлаши ҳам мумкин. Аммо довулнинг "кўзи" нарироққа силжиши билан кучли шамол туради ва у олдингисига тескари бўлган йўналишда эса бошлайди. Негаки, довул халқасимон бўрондир. Довул олдга силжиб боргани сайин шамол айлана бўйлаб эса бошлайди.

Халқасимон бўроннинг яна бир тури қуюндир. Унинг довулдан дастлабки фарқи диаметрининг ҳеч қачон 2.5 км.дан ошмаслигидир. Одатда, қуюн момақалди-роқ гўмбурлаётган, булут эса қуюқ ва воронкасимон (сўйри) бўлган худудда бошланади. Қуюн узунлиги бир неча километр ва кенглиги бир неча юз метр бўлган майдонни босиб ўтиши мумкин. Аммо у йўлида учраган неки бўлса, ҳаммасини ер билан битта қилиб, текислаб ўтиб кетади.

## НИМА УЧУН ЯШИН МОМАҚАЛДИРОҚ БИЛАН ЁНМА-ЁН ЮРАДИ?



Яшин ва момақалди-роқ ибтидоий одамларни кўрkitган ва сеҳрлаган илк табиат ҳодисаларидан бири бўлган бўлса ажаб эмас. Улар илон изи яшинни, момақалди-роқ гўмбурлашини худонинг ўзларига сочаётган ғазаби, қаҳри, деб ўйлашган.

Яшин ва момақалди-роқ аслида нима эканини англаб етиш учун электрни эсга олиш керак бўлади. Баъзи нарсалар мусбат ёки манфий зарядланишини яхши биламиз. Мусбат ва манфий зарядлар ўзаро тортишади.

Заряднинг катталиги ошиб боргани сайин тортиш кучи ҳам ортади.

Уларни айри ҳолда тутиб турган куч жуда катта-лашиб кетадиган лаҳза ке-

лади. Бу куч икки зарядни тутиб турган ҳаво, ойна ёки бошқа бир изоляция қаршиликини енгиб ёки ёриб ўтади ва разряд содир бўлади. Бу вақтда икки жисмининг электр зарядлари ўзаро тенглашади.

Яшин ҳам худди шу тарзда содир бўлади. Беҳисоб сув томчиларидан иборат булут бошқа бир булут ёки Ерникига қарама-қарши зарядга эга бўлиши мумкин. Улар ўртасидаги электр кучланиши ҳаво изоляциясини енгиб ўтиши билан электр разряди юз беради. Электр разряди энг кам қаршилиқ йўли бўйлаб ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у илон изи, эгрибугри кўринишда бўлади.

Ҳавонинг электрни ўтказувчанлиги температура,

зичлик ва намлик сингари омилларга боғлиқ. Қуруқ ҳаво электрни, умуман, ўтказмайди, нам ҳаво эса, аксинча, яхши ўтказиши. Шу сабабдан ҳам аксарият ҳолларда ёмғир бошланиши билан яшин тўхтади. Нам ҳаво электрни яхши ўтказгани учун ҳам у бўйлаб электр зарядлари бешовқин ва сезиларсиз ҳаракат қила бошлайди.

Энди момақалди-роқ нима, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрайлик. Электр разряди чоғида ҳаво зудлик билан кенгайди, сўнгра тораяди. Кенгайиш ва торайиш натижасида ҳаво оқимининг ҳаракати тезлашади. Бундай оқимларнинг шиддат билан тўқнашуви қулоғимизга гўмбурлаб эшитилади. Момақалди-роқнинг такрор-такрор гўмбурлаши товуш тўлқинларининг булутларга урилиб, акс-садо бериши билан боғлиқ.

Этибор берган бўлсангиз, биз олдин чакмоқ чаққанини кўрамиз, бироқ ўтиб эса момақалди-роқ гўмбурлаганини эшитамиз. Негаки, ёруғлик тезлиги секундига 299 795 км.ни, товушнинг ҳаво бўйлаб тарқалиш тезлиги эса секундига 335 метрни ташкил этади.

### Саломатлик

## “ШИФОБАХШЛИК БОБИДА ЎРИН ТУТАР ТУРПМАН”

Куз охирлаб бормоқда. Томорқада, полизларда сабзавотнинг энг “марди”, “пахлавони” - турп қолди. Миришкор деҳқонлар уни тўйиб шам (шабнам) есин, қорқиров кўрсин, деб атайин ҳануз қовлаб олмаганлар. Шунда ҳам айрим чаққон турплар марзаларда тарс-тарс ёрила бошлаган. Одамлар дастурхонга шўшган бу неъматларнинг олди бозорларга кўрк берди. Турп ўсмайдиган ўлкаларда яшовчи кишиларнинг қанчадан қанчаси аллақачон юрти-

миздаги таниш-билишларига хат йўллаб, улардан иложи бўлса, 5-6 кг турп юборишни сўрашга ҳам улгурди.

Нима гап, ўзи? Ўзи хокисоргина, кам меҳнат талаб қилувчи, ҳатто пешонасига энг арзон нарх битилган бу сабзавотнинг қандай ҳосияти бор? Бу ҳақда буюк табибларимизнинг изоҳу таърифлари бир жаҳон. Унинг таърифидан ҳатто андижонлик муаллим шоир Рафиқ Мухторов ҳам мана бу сатрларни битибди:

*Хотам каби саҳий ер, унда битар турпман,  
Шифобахшлик бобида ўрин турар турпман.  
Агар қайнатиб еса, давосиман йўталнинг,  
Шамоллашга қарши тез таъсир этар турпман.  
Шарбатимдан ким ичса, оёқ оғриқ дард кўрмас,  
Шамолласа мушаклар, табиб тутар турпман.  
“Ўнка сили”, “қизамиқ”, “бўғма”нинг давосиман,  
“Кеп қолинг”, деб бозорда деҳқон сотар турпман.  
Қиш чилласи ўрада сақлар мени, билинглар.  
Очиқ ҳавога йўқман, музлаб қотар турпман.*

## ШИФОБАХШ ТУП ШАРБАТИ

Етилиб пишган турпнинг ранги тиниқ бўлади, яъни оқи-оққа, яшили - яшилга ажралиб туради. Озроқ жойининг пўстини арчиб қаралса, этидаги хужайралар асалари уясидек аниқ-таниқ кўзга ташланади.

Ана шунақа туридан кечкурун бир донасини пўчоғини арчинг, сўнг унинг ичидан озроқ ўйиб

турп косача ясанг. Ўйиқ жойга бир қошиқ асал солгач, уни чинни коса ёки пиёлага кўндириб, устини ёпиб қўйинг. Эрталаб қарасангиз, косага асал билан омукта бўлган турп шарбати тўлиб қолган бўлади. Ана шу шарбат шамоллаган нафас йўлларингизни пишитиб, балғамни осон кўчиради.

## ПАЛОВГА ТУРП ТАЙЁРЛАШ

Марғилон турпи арчигандан кейин, пичокнинг учи билан учириб-учириб унча катта бўлмаган бўлақларга ажратасиз ва истеъмол қилишдан илгари совуқ сувга солиб қўясиз. Турпнинг сувини тўкиб ташлаб (мижози иссиқ кишилар бу сувни ичсалар ҳам бўлади) биров туз сепиб дастурхонга тортасиз.


## СОМОНЧА САЛАТ

Арчилган турпни сомон шаклида майда қилиб тўғрайсиз ва паррак-паррак қилиб тўғралган пиёз билан мижғиб аралаштирасиз. Сўнг (бўлса) қизил сабзини қирғичда қириб қўшиб, туз, қизил қалампис ва узум сиркаси қўшиб таъмини ростлайсиз. Сабзи ўрнига помидори қоқини тўғраб аралаштирилса ёки бир

қошиқ томат қайласи қўшиб мижсангиз, у ниҳоятда хушхўр бўлади.


Бундай салат серёғ ва хамирли овқатлар билан истеъмол қилиш учун тайёрланади.

Битта каттароқ турпга 2 бош пиёз, 4 палла помидор қоқи ёки 1-1.5 қошиқ томат, 1 қошиқ узум сиркаси, таъбга кўра туз ва қалампис қўшилади.



## Математика

## СОНЛАР ПИРАМИДАЛАРИ



Кўпайтириш ва қўшиш амаллари ёрдамида рақамлардан рақамлар, аниқроғи - бир хил рақамли сонлар пирамидаларини ҳосил бўлиши мумкинлигини эшитгандирсиз?

Ҳисоблашнинг ўзига хос бу йўлини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу ғалати қонуниятни англаш учун сонлар пирамидаларидан бирининг қандай пайдо бўлишини кўриб ўтиш етарли. Бунинг учун

1) бизга маълум рақамлар қаторининг ис-талган қисмини ёзамиз. Масалан: 123456 шу ерда бу рақамлар йи-гиндисидан пайдо бўлган сон бир юз йи-гирма уч минг тўрт юз

эллик олти (123456)ни тўққиз, яъни рақамлар қаторидан сўнгги аниқ сон 9 га кўпайтирамиз (9 ўрнига (10 1) ни ёзиш мумкин) рақамлар гуруҳи-дан кейинги келадиган рақам - 7ни қўшамиз: 123 456 \* 9 \* 7. Бу мисолдаги амаллар натижаси - 1234567 экани сизга маълум.

2) Энди мазкур сон (1234567)дан биз ихтиёрий танлаганимиз - 123456 рақамлари йи-гиндиси (дастлабки сон)ни айирамиз: 1234567-123456; 1111111

Бу сўнгги амалга эътибор берган одам нима учун фақат бир (1) рақамларидан иборат сон чиқари сабабини яхши англайди).

Демак, кўзланган натижага эришиш учун рақамлар ўзлуксиз дастаси (гуруҳи) билан ифодаланган сонни 10га кўпайтириш ва унга ушбу сондан кейин келадиган рақамни қўшиш ва ҳосил бўлган натижадан биз илк бор танлаган сон (рақамлар мажмуи)ни айириш керак экан (берилган сонни 10 га кўпайтириш ва ундан кўпайувчинини айириш дегани эса - берилган сонни 9 га кўпайтириш демакдир).

“8” кўпайтувчининг синоати

Сонлар қаторидаги маълум рақамлар дастасини 8 га кўпайтириш ва уларга сонлар қаторидаги рақамлар бирма-бир қўшиб бориш йўли билан ҳам ажойиб сонлар пирамидасини ҳосил қилиш мумкин. Бунда пирамидани ҳосил қилган сўнгги қатор қизиқ кўринишга эга бўлади, яъни у аниқ сонлар қаторини теска-рисини акс эттиради. Яъни, 123456789x8+9=987654321 шаклида бўлади.

## СИРЛИ ТАНГАЛАР

Бугун сизга тангалар ҳақида маълумот бермоқимиз. Тангалар ўтмиш, одамлар, тарих ҳақида кўп гапларни айтади. Улар бизни худди эртақлардагидек ўраб олиб, сирли товушлар билан ўзгача, оҳанграбо тилда тилсимлар сандигини очади. Баъзи тангалар жарангдор овозда, равон қилиб ўзларининг дунёга келган ҳолатларини тас-вирласалар, яна бирлари сокин оҳангдан синчковлик билангина англашимиз мум-

кин бўлган ҳолатда бўладилар. Яна баъзилари “тилини” умуман тушунмаймиз.

Тангалар “тарих чиқинди”лари айланиб қолмаслиги ёки нари борса коллекциядан бошқасига ярамай қолмаслиги учун алоҳида нумизматика - тангалар ҳақидаги фан мавжуд. Тангалар - энг аввало пул. Лекин бу барча пуллар - танга дегани эмас. Келинг пул тарихига мурожаат қиламиз.

## ТАНГА ТАРИХИ

Сизга қадим замонлардаёқ одамлар эҳтиёжларини қондириш мақсадида савдо-сотиқ билан шуғулланганлари маълум. Археологларнинг тадқиқотларига кўра мол айир-бошлаш тош асридаёқ мавжуд бўлган. Осиё, Африка, Океанлар бўйида истиқомат қилувчилар кўп вақтлар мобайнида чиганоклардан пул ўрнида фойдаланишган. Қоратурик чиганоғи эса ривожланган қадимий мамлакатлар бўлмиш Хитой, Япония, Ҳиндистонда ҳам жуда қадрланган. Кичик қабиалар эса пуллари-чиганокларни худди хазинадек асрашган. Сал хавф туғилгудек бўлса, уни ерга кўмиб қўйишган. Яна пулнинг энг кўп тарқалган шакли чорва моллари бўлган. Сигир, бука, қўй асосий “пул” бўлган.

## ТАНГА ТУРЛАРИ

Танганинг асосий қисмида қайсидир давлат ёки халқнинг тарихи, даҳоси, сигинадиган худоси ҳақида маълумот бўлади. Бусиз танга бир парча металл. Танганинг тозаллиги оғирлиги давлат томонидан белгиланиб, кафо-



латланади. Давлат тангаси ўз белгисини кўяр экан, бозорда бу белги билан: мана сизларнинг кўз ўнгингизда “ҳақиқий, қонуний, қалбаки бўлмаган, соф оғирликдаги тангамиз” дейди.

Қадимги грецияликларнинг тангасида асосан худолар, сигинадиган ҳайвонлар тасвири бўлган. Масалан, Африкада чиқарилган тангада Зевснинг расми бўлган. Қора денгиз шимолида жойлашган Ольвия тангаларига дельфин тасвири туширилган. Кейинчалик эса бургут сурати билан босилган.

Грек шаҳарларидан яна бири Херсонес тангаларида Дева хуосининг тасвири бўлган. Скифлар тангасида камонли чавандоз тасвири бўлган.

Мана ўзингиз кўриб турганингиздек тангалар давлат ва жамиятнинг ривожланиш даражасини кўрсатади.

Греция ва унинг кичик дав-

лат, шаҳарлари эрампиздан аввалги IV асрда охир ижтимоий-сиёсий инқирозни бошдан кечирганлар. Куллар кам, савдо-сотиқ яхши бўлмаган. Бу инқироздан чиқиш учун уруш бошланиб кетади. Унга Искандар Зулқарнайнинг отаси Филипп бошчилик қилади. Уни Зулқарнайн давом эттиради. Эрампиздан олдинги 334 йилнинг баҳор кунларида 22 ёшли кўркем шоҳ буюк қўшинга бошчилик қилади. Геллеспонтга қарши ҳужум уюштиради. Бу ҳодиса тангаларда ўз аксини топади.

Искандарнинг отаси Филипп ўз исми билангина тангалар зарб эттирган бўлса, Зулқарнайн тангаларга “5 азиовс Искандар-шоҳ Искандар” деб ёздирган. Бу давргача грекларга бундай ёзувлар ёт бўлган. Бу билан Искандар ўзининг ҳукмронлигини намоён этган.

Катта худудни қўлга киритган Искандар ягона нусхада тангалар зарб эттиришни жорий этади. Бу тангалар қумушдан бўлиб, олтиндан Африка худосининг боши ва шоҳ портрети тасвирланган бўлган.



## Эпли қизим - сепли қизим

## ЖУН ИП ВА ЖУНДАН ТЎҚИЛГАН БУЮМЛАРНИ ЮВИШ

Эскирган буюм (кийим) ипини чиқариш учун аввало буюмнинг барча чоклари буғланилади, яъни суви қайнаётган човғум оғизга тутилади. Трикотаж буюмларни одатда юқори қисми (елкаси, ёқаси, энг бошидан пастга қараб (фақат пайпоқлар учидан бошлаб) сўтилади. Анна эскирган буюмлардан, табиийки, кўп чиқит чиқади. Бу янги тўқилга яроқли ип миқдорини камайтиради. Шу сабабли кўлингизда оқ рангли ип захираси бўлгани маъқул, чунки уни керакли ранга бўяшингиз ёки эски илга аралаштириб ё навбатлаштириб ишлатишингиз мумкин. Ҳозир турли рангдаги ва турдаги (жун, ип, ипак, синтетик) иглалардан икки, уч ва ундан ортигини қўшиб-эшиб буюм тўқиш кенг тарқалган. Зеро, эшма иглалардан тўқилган буюм анна бой кўринади. Шу сабабли эски буюмларни сўтиб ипини олганда бу илга контракт ёки уйғун рангли ип захиранинг бўлиши.

Машинада тўқилган буюмлардан сўтиб олинган ип, одатда, анча ингичка бўлади, шу сабабли уни 4-5 ва ундан ҳам кўп қават қатим қилиб ишлатилади. Ипнинг йўғонлиги даражаси янгидан тўқилган буюмингиз турига боғлиқ. Ечилган ип бўлаклари-ни шундай улангчи, боғланган учда тугунчадан кейин ҳам 2-3 см ип қолсин. Тўқиш жараёнида уланган жойлар тугунчаларини буюмининг орқа томонидан, ундан чиқиб турган 2 ип учларини эса икки ёққа ётқизиб, уларни тўқима ичида қолдиришга ҳаракат қилинг.

Сўтилган ип юмшоқ ва эгилувчан бўлиши учун уни ювиш зарур. Бунинг учун эса бу жун ип тўғналарини ёзиб, ҳар бири 100-150 граммли калавалар қилиш керак. Тайёрланган калаваларни бир неча жойидан оқ қроғоз боғичларда бўш қилиб боғлаб қўйилади.

Жун ип 30 даражали совунли сувда ювилади. Бунда 2 литр илқ сувга 1 ош қошиқ кир ювадиган кукун (порошок) солинади. Қўпика совун қўяси билан 1 қошиқ нашатир спиртининг аралаштириб ҳосил қилиш мумкин. Ювилган ипни илқ (30 даражали) сувда бир неча марта чайишни унутманг. Охири марта чайишда сувга 1

ош қошиқда уксус қўшиб юборинг.

Қирилган картошка аралаштирилган сувда ювилган жун ип ҳам жуда яхши ювилади, ҳатто янгиланади. Бунинг учун 2 кг картошкани яхшилаб ювилади ва илқ сувга солинади. Бу аралашмада ип 2-3 соат туриши керак. Аммо ҳар ярим соатда сувни чайқатиб, ип (калава)ни ағдариб туриш зарур. Сўнг калава енгилгина ювилади ва илқ сувда чайилади.

Юнг ип жингалак-жингалак бўлиб қолмаслиги учун ип калаваларини қуритишда уларнинг пастки томонига оғирроқ нарсани осиб қўйиш тавсия этилади.

Калава қуригач, уни охишта ечиб, яъни тўғна-тўғна қилиб ўраб қўйилади. Аммо ўрашда ипни қаттиқ чўзмаслик - бўш қўйиш зарур, акс ҳолда у чўзилиб, ингичкалашиб кетади ва мўрт бўлиб қолади.


Умуман, тўқилган буюмларни юқоридаги - жун ипни ювган каби ювиш керак. Бунда фақат буюмларни арқонга осмайдилар, уни чиг чойшабга ўраб яхшилаб миксийдилар (аммо бураб сиқиш ярамайди), сўнг текислаб қуритиш учун чойшаб устига ёйиб қўядилар.

Қўлда тўқилган буюмларни ювишдан олдин яхши си уларни чок-чокидан сўтган маъқул. Шу йўл билан уларнинг асл шакли тикланилади. Бунинг учун буюм бўлакларини ювгач, унинг ҳар бир қисмини орқа томони олдиндан қирқиб тайёрланган ёки тайёр андозага қадаб чиқилади (бунда зангламайдиган тўғноғичлардан фойдаланилади). Буюм қуригач, устидан ҳўл доқа қўйиб дазмолланилади ва бўлақлар қайта тикилади.


Тўғри ювилган жундан тўқилган буюм киришиб қолмайди, чўзилиб кетмайди ҳам. Мабодро киришган ёки чўзилиб кетган бўлса, уларни мана бу тарзда асл ҳолига келтириш мумкин: 10 литр совунли сувга 3 ош қошиқда нашатир спирти, 1 қошиқ скипидар ва бир ош қошиқда вино спирти қўйилади. Бузилган буюм мана шу аралашмада бир неча кун туради. Сўнг уни олиб иссиқ сувда чайиш ва горизонтал ҳолатда ёйилган чойшаб устида қуритилади.




Мазкур суратдан 12 та ҳайвонни топиш қийин эмас, бироқ 11 таси ўн иккинчисидан нимаси биландир фарқ қилади. Топинг-чи?




Қайчининг нимаси нотўғри чизилган?




Мазкур 6 та қалам олти бурчакли фигурани ташкил этган. Яна 3 та қалам ёрдамида 6 томонли фигура ясанг.



Одамзоднинг қулоғидан кирган товуш мияга қайси йўл билан етиб боришини аниқланг.



Юришни кубнинг марказидаги 1 рақамдан бошлаб, 2 дан 9 рақамигача (тартиб билан) бўлган кублар бўйича бошланг. Кейин 9 дан 1 рақамли кублар бўйича давом эттиринг. Яна 1 дан 9 рақамигача... Сиз Лабиринтдан 0 кубиги орқали чиқишингиз керак



Қизлардан бири бошқаларидан фарқ қилади. Қайси бири?

Қизини шундаки у онани эмас, онаси уни ахтарди, тоғди. Аммо ўғил онани бирон марта ширин сўзи, меҳр-муруввати билан қўнглига таскин бера олмади. Бугун у онаси кирган эшикка разм соляппи. Бир четига пуржина қадалган эшик ҳам ҳар очилиб ёпилаётганда гўё Тожихонга аза тутаётгандек «ғийқ» этиб қўярди. Эҳтимол у овоз бошқаларга билинмасдир. Аммо Ортикбойга ваҳимали бўлиб эшитилар эди. Ҳовли саҳнидаги ўрик ҳам, қўча эшик олдидаги беҳи дарахти ҳам худди уй эгасига аза тутаётгандек шохларини ерга экканича турарди.

Мақсуд ҳам Ортикбой билан бирга ичкарига кирган эди. Бугунги маросим ҳақида тушунтириш бера бошлашлади.

«Қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик. Лекин холамини сақлаб қололмадик», деди Мақсуд.

- Агар эртароқ хабар топганимда онамни шу томонларда қолдирмай Фарғонага олиб кетар эдим, деди Ортикбой.

Унинг бу сўзи Мақсуднинг жаҳлини чиқарди. Унинг ярасига туз сепгандек бўлди. Гўё унга ҳеч ким хабар бермагандек.

- Фарғонадан ҳамма келди-ку.

- Мен Наманганда эдим, кеча кечқурун эшитдим.

Онасининг фотиҳасига келган Ортикбой Тўрақўрғонда бир ҳафта туриб қолди. Олтириқдан келган Назарбой унинг бола-чақалари Тожихоннинг жиянлари, Хузрахон, Зарифалар ҳаммаси кетишди.



Тожихоннинг онаси Умихон 40 ўпунча шу ерда бўлди. Кейин у ҳам кетди. Бир томонда Қосим амаки оғирлашиб қолди. Тожихоннинг яриқи ўпача Қосим амаки ҳам бандаликни бажо келтирди. Шу кундан эътиборан Ортикбой ва унинг хотини Турсуной негадир Мақсудга жуда меҳрибон бўлиб, бу ердан ҳеч қаерга кетмай қўя қолишди. Қосим амакининг йигирмаси ўпказилгани йўқ эди, ташқарига чиқиб жийда дарахтига суяниб унинг муаттар ҳидидан баҳра олиб турган Мақсудга почтачи бир хат тупқазди. У район судидан чақирув қоғози эди. Уй масаласида чақиртирибди. Мақсуд ёш эмасми, унинг нима ёзилганига унча фаҳми етмай ичкарида нималарнидир тағлашиб ўпирган Ортикбой ва унинг хотинига кўрсатди.

- Бизни ҳам чақиртирибди, деди Ортикбой ҳеч нарсадан беҳабар кишидай. - Беш кундан кейин суд бўлар экан.

- Қанақа суд? Нега энди уй масаласи,

деб қўйибди? - сўради Мақсуд ажабланиб.

- Ўша ерга борсак биламизда Мақсуджон. Бизнинг хабаримиз йўқ.

Хотини

... Ҳикоя шу ерга келганида Мақсуд хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Валда ўпирганлар ҳам суд раиси ва суд хайъатлари ҳам жонланиб бир-бирлари билан шивир-шивир қилиб гаплаша бошлашди. Суд раиси Мақсудга маъноли қаради ва савол берди.

- Ҳамма гапни айтдингизми?

- Қисқаси шу.

- Мақсуджонга савол борми? - деди суд раиси хайъатларга қараб.

Ҳеч ким чурқ этмасди.

- Ўнг томонда ўпирган кекса бир киши қўлини кўтариб суд раисидан савол бериш

қўшилиш керак. У: «Энг разил, айни пайтда энг оддий ва азалий кўрнамаклик - бу фарзандларнинг ота-онани қадрламаслигидир», деган. Демак сизга ҳам Ортикбой ака! Ота-она тирикчилигида эмас, у оламдан ўпандан кейингина қадри билинган. Уларнинг ўзлари эмас, мол-мулклари қадрлидир. Майли, сизга мол-дунё керак экан қонунлаштириб олаверинг.

- Суд раиси пиёла чеккасига ручка билан уриб, ўрнидан турди-да, залда кўтарилган гап-говурни тинчигди.

- Бошқа савол-жавоблар бўлмаса, танаффус, - деди у, - суд ҳукм тайёрлашга

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ

# МЕРОС

учун рухсат сўради. У маҳалла оқсоқоли Усубжон ота эди.

- Ўртоқлар! Ўртоқ судя! Тўғри, унинг бир синглиси бўлиб унинг ҳам уй-жойи тайин, бор. Менинг фикрим бу ерда Ортикбойнинг уй-жойга даъвогарлик қилиб сўзлашиши одобсизлик ва инсофсизликдир. Тўғри, унинг онаси Тожихоннинг уй-рўзгорлари, кийим-кечаклари бўлиши мумкин. Уни истаган пайтда судсиз ҳам олиб кетаверишга ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Буни мен Ортикбойга бир неча маротаба айтдим.

Бироқ у айтганларимни назар-писанд қилмади. Агар Ортикбой ҳақиқий меросхўр бўлганда судлашиб бу ерда сизларнинг ҳам бошларингизни қотириб ўпирмасди. Буёғини яна ҳалқ суди бор. Улар кўриб туришибди. Воқеани адолатли ҳал қилаверишди.

- Ўртоқлар, - дея сўз олди Мақсуд Усубжон отанинг сўзидан кейин. - Бойлик қўлнинг кири дейишди кексалар. Мен ота-онанинг мулкига эмас

одамийлигига, ҳалоллиги, ростгўйлиги, инсонпарварлигига меросхўрман. Менга уларнинг меҳр-оқибатлари бир дунё. Қаерда бўлмайин умримнинг борича чироқларини ёқиб, руҳларини шод этавераман. Яхшилик абдий барҳаёт экан. Яхши одамлар ҳам умрбоқий. Улар асло ўлмайдилар.

- Тожихон менинг онамку. Унинг ҳақиқий меники эмасми? - деди Ортикбой ўпирган жойида тўнғиллаб.

- Йўқ, - деди Мақсуд қатъий ва Француз ёзувчиси Вовенарг Люк де Клапъенинг меҳр-муҳаббатсиз фарзандлар тўғрисидаги фикрига

киради.

- Ҳамма ташқарига чиқди. Мақсуд елкасидан оғир юк ағдарилгандек, аммо юрагининг бир чеккаси куйганга ўхшаб ўрнидан турди.

(тамом)

Ҳурматли ўқувчи, газетхон! Илм чўққиларини эгаллаш иштиёқи билан тинмай ўқиб, ўрганиб, юртбошимиз айтганларидек буюк мамлакатнинг

буюк фарзанди бўлиш учун куйиб-ёниб ҳаракат қилаётган фарзандларим! Мана бир неча ойдан буён сизлар менинг «Мерос» номли қиссамни ўқидингиз. Қиссада ҳикоя қилинган Мақсуднинг ёшлик давридаги аянчли аҳволи билан танишдиларингми? Ҳа, уруш ана шунақа. Айниқса, болалар, етим-есирлар ҳаётини кўп ташвишларга гирифторм қилади.

Сизлар Мақсуднинг кейинги ҳаёти нима бўлди, дея фикр юритишингиз мумкин. Бу табиий, албатта. Мақсуд шундан кейин Қосим амакининг синглиси Ханифа хола билан яшаб, ўрта мактабни, сўнгра педагогика институтини тамомлаб қишлоқда ўқитувчилик қилди. У ҳозир нафақада. Аммо мактабдан оёғини узгани йўқ. Уйланди, ўғил-қизли, набирали бўлди.

Мен уни яқинда Тошкент шаҳрида ташкил этилган хотира ва қадрлаш мажмуаси ёнида барпо этилган Она ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, ўз онасининг исм-фамилияси шу ердаги темир дафтарда ёзиб қўйилганини кўриб, хурсанд турганининг гувоҳи бўлдим. У ҳам «Тонг юлдузи» газетасида босилиб чиққан ўзи ҳақидаги қиссани ўғил-қизларига ўқиб берибди.

- Илоҳим ҳеч кимнинг ёшлиги менинг ёшлигимга ўхшаган аянчли ва серташвиш ўтмасин, - деб кўзларидан мўлтираб турган ёшларини артар эди. Мақсуджон

## ОҚ ЙЎЛ

Республика ижодкор ўқувчилар анжуманида бир йигитча ердан кўзини узмай, аммо сўзларни нафис саралаб инжудек тизилган бир шеър ўқидики, этларимиз жимираб кетди. 16 февраль воқеаларига бағишлаб ёзилган «Ватанда ватансиз ватангадолар» шеърини эшитдим у билан танишиш нияти тугилди менда. Аммо у жуда тортинчоқ, камгап эди. Қисқа суҳбатдан маълум бўлдики, у Бойсун туманидаги 1- мактабнинг 11-синфида ўқир экан. Отаси - мантёр (электросозловчи), онаси - котиба, оддий оила фарзанди бўлган Жўрабек Рамазонов баҳс-мунозара, тортишувларни ёқтирмас, ўз таъбири билан айтганда

«Осон савол беришса жавоб беролмайдиган» шеърят шайдоси экан. 40 дан ортиқ шеърини ўқисангиз мураккаб саволларга ҳам жавоб топасиз. «Сўз тил учидан, шеър эса юрак қаъридан чиқади», - дейди у.

Жўрабек, «Тонг юлдузи» мухлисарига, укажонларига шеърлар ва мактуб йўллабди. «Ҳаётни ва мумтоз мусиқа ҳамда қўшиқларни севувчи, ҳамма қатори меҳр қули» (мактубидан олинган сатрлар) бўлган Жўрабекка юраги шеър меҳрига уришини, мактабни муваффақиятли тугатиб, олийгоҳларга кириб олишини тилаб қоламиз.

Маҳмуда Зоирхон қизи.

## ШОИР

Сўрсалар: туну кун юради ғамгин,  
Десалар: Мажнундан, ғарибдан мискин,  
У кимдир бир лаҳза олмас сира тин  
Дейман: у - шоир.

Қалбини бағишлар сатрларига  
Армонни босади бағирларига.  
Пўлат дош беролмас қаҳрларига  
Дейман: у - шоир.

Қиқирлаб кулса ҳам хўрсиниб кулар,  
Йиғласа жилмайиб йиғлайди улар.  
Ўлса ҳам қайғуни кучоқлар улар,  
Дейман: у - шоир.

## БОЙСУНДА МЕН КИММАН?

Мен - дарахтман, ўсмаган ердан,  
Мен - бир карман, огоҳман сирдан.  
Мен - боламан, ёшим юзгадир,  
Мен - лоламан, чиқмаган қирдан.

Мен - тиланчи, тиламаганман,  
Мен - подшоҳман, сарик чақа йўқ,  
Мен - полвонман, танамда йўқ жон,  
Мен - оч одамдирман, қорним тўқ.

Мен - балиқман, сувни кўрмаган,  
Мен - созанда, қўлда йўқ созим.  
Мен - гадоман, эҳсон сўрмаган,  
Мен - булбулман чиқмас овозим.

## АТИРГУЛ

Атиргулим, атиргул,  
Менга жуда ёқасан.  
Сен бизнинг ҳовлимизда  
Доим кулиб боқасан.  
Сени доим кўрганда,  
Баҳри дилим очилар.  
Сенинг ҳидларинг билан  
Кўнглимга нур сочилар.

## БОЛАРИ

Болари, ҳей, болари,  
Учиб физ-физ тол ари.  
Гулдан асал терасан,  
Бизга дармон берасан.  
Асал йиғиб толмагин,  
Эзгуликдан қолмагин.



Тенгдошингиз Феруза Саидазимова Йўлдош  
Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Учқун  
маҳалласида туғилган. 6 ёшдан бошлаб 53-ўрта  
мактабга ўқишга борган экан. Ҳозир 6-синфда аъло  
баҳоларга ўқиш билан бирга шеърли китобларни  
сира қўлидан қўймас эмиш. Бунга бизга унинг бир  
туркум шеърлари сўйлаб берди. Шоир ва ёзувчилар  
энг аввало ўзларини ёзадилар, деб бежиз  
айтишмайди-да. Қуйида Ферузанинг 4 шеърини сизга  
ўқиш учун тавсия қилар эканмиз, ижодингга, ўқиш  
ва ишларингга барака, қизалоқ,- деймиз.

ЎЗИМНИНГ  
ОНАЖОНИМ

Ўзимнинг онажоним,  
Емай едирган,  
Ичмай ичирган,  
Киймай кийдириб.  
Меҳрим ийдириб,  
Доимо тоза тутган  
Юрган жаннатмажоним,  
Қизинам катта бўлсин  
Азиз шифокор бўлсин,  
Леб керак-ти китобим.

Олиб берган офтобим  
Ўзимнинг онажоним.

## ДАДАЖОНИМ

Дадажоним қалайсиз  
Ишлар қилиб талай Сиз  
Яхшига етаклайсиз,  
Қизим, деб эркалайсиз.  
Дадажоним, дадажон  
Чарчаманг сиз ҳеч қачон.  
Доим отдай- тойчоғдек

Югуриб- елиб юринг  
Сиз бизнинг паноҳимиз -  
Чин дилдан билиб юринг.

Феруза

САИДАЗИМОВА,  
Тошкент вилояти, Урта  
Чирчиқ туманидаги 53-  
мактаб ўқувчиси.



Ўзбекистон болалари  
ва ўсмирларининг  
газетаси

## Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ,  
«СОЁЛОМ АВЛОД  
УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ  
ЖАМЌАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:  
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:  
Йўлдош САИДЖОНОВ  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА  
Хотам АБДУРАИМОВ,  
Дадахон ЁҚУБОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Мирзапўлат  
ТОШПЎЛАТОВ,  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Феруза ОДИЛОВА,  
Эргашвой САРИҚОВ,  
Баҳодир ҲАЙДАРОВ.

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 43.351  
нусхада босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма - К-74-67  
Газетани PENTIUM-III  
мтх компьютерида  
А.АБДУҒАФФОРОВ  
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш  
тартиби № 000137  
Манзилимиз  
700129,  
Тошкент шаҳар,  
Навоий кўчаси 30-уй.  
Тел: 144-62-34

## ЕР МЕХРИ

бўлган меҳри ҳам бўлакча  
бўлади.

Қишлоққа - бобомникига  
борганимизда эса менга  
байрам бўлиб кетади. Чунки,  
қишлоқда катта боғ бор. Боғда  
турли хил мевалар фарқ  
пишган бўлади. Хоҳлаган  
мевагани узиб ейишинг  
мумкин. Айниқса, қуёш  
тафтини эмган тупроқ  
йўлларда оёқ-яланг бўлиб роса  
ўйнаймиш. Шунда ойим билан  
дадам мени авайламоқчи  
бўлиб, оёғимга бирор нарса  
кийиб олишимни қайта-қайта  
тайинлайдилар. Бобом эса яна  
ёнимни оладилар:

-Кўйинглар, оёқ-яланг  
чопқиллайверсин. Ер оёғининг  
захини олади.

Бунинг маъносини  
бобомдан сўраган бўламан:

-Биз ернинг болаларимиз,  
дейдилар бобом бошимни  
силаб. -Она боласини

ардоқлагандек, ер ҳам бизни  
асраб-авайлайди...

Мен бу ўғитлардан шуни  
англадимки, инсоннинг оёғи  
ерга тегиб турса, унинг  
меҳрини кўпроқ сезиб тураркан.  
Ўзбекистон бизнинг она

заминимиз, муқаддас  
тупроғимиз. Истардимки,  
оёғимиз шу тупроқдан ҳеч  
қачон узилмасин. Қайда  
бўлмай, унинг меҳри, соғинчи  
бизни доимо ўзига чорлаб  
турсин!

Шерзод ЗОИРОВ,  
Тошкентдаги  
229-мактаб ўқувчиси.

## Ўзбекско-Английское СП "MAVJ"



## ХАНДАЛАР

ЁШЛАРИ ТЎҒРИ  
КЕЛМАДИ

Кичик Пьер мактабдан  
қайтгач, отаси ундан  
сўради:

-Мактабга янги  
муаллима келди, деб  
эшитгандим, қалай у  
сенга ёқдими?

-Бўлмасам-чи, фақат  
ёшимизнинг фарқи ер  
билан осмонча экан.

МУЛЗАМ БЎЛГАН  
МЕҲМОН

-Холажон, айтинг-чи,  
сиз ўзингиз овқатлана  
олмайсизми?

-Нималар деяпсан?  
Аниқроқ айт-чи?

-Келишингиз олдида  
дадамлар оймига: «Энди  
бир ҳафта холангни  
овқатлантирамиз», -  
дегандилар-да.

## ТЎҒРИ ТАҲМИН

-Томас, айт-чи ҳеч ким  
тинглашни хоҳламаса ҳам  
гапираверадиган одам ким?  
- Жаноб ўқитувчимиз-  
да.

Тўловчи ва таржимон  
Бойхўроз  
МАМАТҚУЛОВ.



Nevara bilan  
buvi o'zaro  
gaplashib  
o'tirishardi.  
Shunda nevarasi:  
Buvijon, nega  
kunduz bilan tun  
bo'ladi, - deb  
so'rab qoldi.

- Kunduz -  
odamlar ishlashi  
uchun, tun esa  
uxlashlari uchun  
chiqarilgan,  
erkatoyim, -javob  
qildi kampir.

- Voy, buvijon,  
nega unda bizni  
bog'chamizda  
kunduzi  
uxlatishadi?

Қушчалар қанчалар баланд-  
баландларга парвоз қилмасин,  
барибир яна қайта ерга  
қўнадилар. Ўзга сайёраларга  
қадам қўйган космонавтлар-да,  
яна ер сайёрасига қайтадилар.  
Узоқ-узоқларга саёҳатга кетган  
инсонлар ҳам охир-оқибат яна  
туғилиб ўсган ерга соғинч билан  
талпинадилар... Чунки, ерда  
дунёга келганмиз. Қаерга  
кетмайлик ер меҳри бизни ўзига  
чорлаб туради. У бизни боқади,  
кийинтиради. Шундай экан, ўз  
навбатида ерга меҳримизни  
беришимиз, уни кўз  
қорчигимиздек авайлаб-  
асрашимиз керак. Ер шари  
инсониятнинг ягона Ватани. Шу  
ягона Ватаннинг бир нуқтасида  
яна бир Ватан бўлади. Бу -  
инсоннинг туғилиб ўсган ери.  
Ўзбекистон менинг учун ана  
шундай туғилиб ўсган  
Ватанимдир.

Биз баланд қаватли  
уйларда яшаймиз. Бу уйларнинг  
кўпгина афзалликлари бор.  
Шинам ва ихчам. Совуқ сув,  
иссиқ сув шундоқ қўл етгулик  
жойда. Кичкина бўлгандан  
кейин тоза, озода, ундан кейин  
баланд уйдан узоқроқ кўринади.  
Битта лекини бор: ердан  
узилгандаймиз.

Мана, дам олиш куни.  
Таътил кунларида кўпроқ  
бувимларникига шошаман.  
Бувимлар ҳовлида яшайдилар. У  
ерда яйраб ўйнайман. Ўйнаб ҳеч  
тўймайман. Қайтадиган  
кунимиз бўлса-да, яна бир  
кунга қолгим келади. Ойим  
бўлсалар: «Қани, кетдик», дея  
йўл бошлайдилар. Шунда  
бувим: «Майли, яна бир кун  
ўйнасин, «дом»да сиқилади-да  
болам. Бу ерда бироз яйрайди», -  
дейдилар.

Ойим шунда дийдиё қилиб  
қоладилар:

-Шу неварангиз дам олиш  
куни бўлди дегунча  
бувимникига - ҳовлига  
борамиз, деб ҳоли-жонимга  
қўймайди. Билмадим, уни бу  
ерга нима етаклайди?

Бувим бошларини сарак-  
сарак қилиб куладилар.

-Болангни, ер меҳри  
етақлайди, болам. Инсон  
ҳамиша ерга талпиниб яшаган.  
Агар ёшлигидан ерга меҳр  
қўйса, катта бўлганида Ватанга